Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 24-may, shanba № 63 (3412)

Интеллектуал ва маънавий бойликка эга бўлган халқ ва миллат, ҳеч шубҳасиз, ҳақли равишда бугунги ва эртанги кунга эгалик қила олади.

Ислом КАРИМОВ

«Баркамол авлод — 2014»

Қувончу ҳаяжонга тўла мусобақалар

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари самарасида чекка туман ва қишлоқларда ҳам кўркам бино ва иншоотлар, замонавий уй-жойлар, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, маданий-маиший, ишлаб чиқариш объектлари, кенг ва равон йўллар барпо этилмоқда. Шу жараёнда аҳоли, айниқса, ёшларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратилаётган шароитлар хорижликларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлмоқда.

ЎзА суратчи

Бизнинг болалик йилларимизда жисмоний тарбияга одатда иккинчи даражали дарс сифатида қаралар эди. Ўқувчилар «стадион» деб аталмиш тап-тақир майдонда футбол ё волейбол ўйнар, қизлар эса бизнинг уводаси чиққан тўпни талашиб, тортишиб юрганимизни томоша қиларди. Жисмоний тарбия ўқитувчиси келмай қолса (бу кўпчилик мактабларда оддий ҳол эди), биология, тарих, физика муаллими, хуллас, кимнинг вақти бўлса, ўша «жисмоний тарбия» ўқитувчисига айланарди...

Бугун мамлакатимиздаги 9739 умумтаълим мактабининг қарийб 90 фоизи янгидан қурилган ва реконструкция қилинган спорт залларига эга. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг барчаси замонавий жиҳозланган спорт заллари билан таъминланган. «Жисмоний тарбия» дарслигининг тайёрланиши ва етказиб берилиши мактабларда жисмоний тарбиянинг фақат амалий машғулот эмас, балки илмий-назарий асосга эга фан сифатида ўқитилишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган «Ёзги таътил», «Қувноқ стартлар», «Соғлом оила», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Футболимиз келажаги», «Шунқорлар», «Камолот» шахмат тахтаси» каби қатор спорт тадбирлари, фестиваллар, мусобақалар миллионлаб болаларни оммавий равишда жисмоний соғломлаштиришга жалб этиш имконини бермоқда.

Бунда таълим соҳасидаги уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу беллашувлар орқали фарзандларимиз иродали, ҳаёт синовларига бардошли, ватанпарвар, жисмонан етук инсонлар бўлиб вояга етмоқда. Мазкур спорт анжуманларида иштирок этаётган ёшларимиз орасидан Ватанимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қиладиган маҳоратли спортчилар етишиб чиқмоқда. Олимпиада ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида совринли ўринларни қўлга киритаётган вакилларимиз сафида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларида кашф қилинган спортчилар кўп.

(Давоми 2-саҳифада).

ЛАТВИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш 2014 йил 27-29 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф доирасида икки давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этадилар, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашадилар.

Музокаралар якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Ўзбекистон ва Латвия ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликка оид қатор ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

Истиқлол ғунчалари

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Бу йўналишдаги ишларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Истеъдодлар кўриги

Ёш авлод санъатга қанчалик кенг жалб этилса, улар қалбида ватанга муҳаббат, миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш, миллий ва маданий анъаналарга ҳурмат туйғулари кучаяди, эстетик диди шаклланади. 2014 йилнинг 9 апрелидаги ЎзКУФК Раёсатининг «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарорида маданият муассасаларида фаолият юритаётган болалар бадиий жамоаларидаги иқтидорларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда «Соғлом бола йили» дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш орқали юқоридаги мақсадни амалга ошириш кўзда тутилган.

(Давоми 2-саҳифада).

Фанлар академиясида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси ва Фермерлар Кенгаши ўртасида тузилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловини ўтказиш ҳамда «Ёш мутахассислар» республика Форумини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарорига мувофиқ, Фанлар академияси таркибидаги илмий тадқиқот муассасаларида фаолият олиб бораётган 30 ёшгача бўлган 100 дан ортиқ ёш олим ва тадқиқотчилар иштирокида «Йилнинг энг фаол ёш олими» танлови босқичма-босқич бўлиб ўтмоқда.

Ихтиролар, ишланмалар...

Ёшлар томонидан амалга оширилаётган тадқиқотлар ҳамда бугунги кунда қўлга киритилган илмий янгиликларни қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантиришни мақсад қилган танловнинг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

Энг юқори балл тўплаган, бугунги куннинг долзарб масалаларида изланиш олиб бораётган ўн нафар иқтидорли ёш танлаган мавзулари юзасидан слайдли чиқишлар қилди. Иштирокчилар мавзусининг долзарблиги, илмий-техник дастурлардаги фаоллиги, ихтиролари, ишланмалари, муаллифлик гувоҳномалари, янги технологияларнинг амалиётга жорий этилишидаги иштироки, мавзу доирасидаги халқаро алоқалар каби мезонлар бўйича баҳоланди.

Якунда биринчи ўринга Биоорганик кимё институти катта илмий ходим-изланувчиси, биология фанлари номзоди Санжар Шеримбетов лойиқ топилди ва у июн ойида бўлиб ўтадиган Республика босқичи йўлланмаси соҳибига айланди. Иккинчи ўринни «Физика-Қуёш» ИИЧБ Физика-Техника институти катта илмий ходими-изланувчиси Ойбек Абдулхаев, учинчи ўринни Микробиология институти кичик илмий ходими Хуршида Нарбаевага насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Обод манзиллар

Жарқўрғон туманидаги «Қораёнтоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида кунора ҳовли тўйлари бўлиб турибди. Сабаби, маҳаллада намунавий лойиҳалар асосида янги турар жойлар барпо этилиб, аҳоли кўчиб кирмоқда. Пишиқ ғиштдан қурилган бу уйлар қишлоқ қиёфасига кўрк бағишлаётир. Янги шаҳарчага йўллар тортилди, коммунал тармоқлари ишга туширилди. Болажонлар учун ўйин майдончалари, асфалт йўлаклар барпо этилди. Уй-жойлар атрофи ободонлаштирилиб, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Мавжудларига шакл берилиб, оқланди.

«Қораёнтоқ»да ҳовли тўйлари

— Шундай уйда яшашни орзу қилганман. Яратганга шукурлар бўлсинким, юртимиз мустақиллиги туфайли бу орзуим амалга ошди. Шинам уйларга мебеллар ҳам ярашар экан. Шаҳарчамизда бозорча, гўшт ва сабзавот, озиқ-овқат дўконлари, новвойхона кечаю кундуз ишлаб турибди, — дейди М.Ашуров.

«Қораёнтоқ» маҳалласида ўтган йили 105 та намунавий уй-жой қад ростлаган эди. Амалдаги йилда яна 70 та янги турар жой бинои қурилаяпти. Бу уйлар юртимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида эгаларига топширилади. Маҳалла ғузарида хизмат кўрсатиш нуқталари, мактабгача таълим муассасаси, ўйингоҳ, кутубхона, ёшлар маркази қуриш режалаштирилган.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётир.

Файзли ва кўркам

Намунавий лойиҳалар асосида турар жой массивларини қуриш, замонавий инфратузилмани бунёд этиш борасида, айниқса, тумандаги Конизар қишлоқ фуқаролар йиғинида олиб борилаётган ишлар эътиборга молик. Замонавий уй-жойларнинг қисқа муддатларда бунёд этилишига Муроджон Умурзоқов раҳбарлик қилаётган «Тошлоқ қурилиштаъмирлаш» хусусий корхонаси бунёдкорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Айни кунларда 20 та уй-жойга кўчиб ўтган юртдошларимиз томонидан ҳовли тўйларини нишонланди.

Шунингдек, Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғини «Терактоғи» маҳалласида ҳам 30 та уй-жой ўз эгаларига топширилди.

— Бундай намунавий лойиҳа асосида қурилган уйга кўчиб ўтганимиздан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — дейди тадбиркор Аъзамжон ака Сойибназаровнинг қизи, 10-умумтаълим мактаби 5-синф ўқувчиси Мўътабар Азизхўжаева. — Бу ерда биз, болалар учун барча қулайликлар яратилган, меҳмонхона, ошхона, айвон, ўйин майдончаси мавжуд. Ҳовлимизга, унинг атрофига ҳар хил мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, турфа ранг гуллар экдик ҳадемай янги маҳалламиз янада файзли, кўркам ва обод масканга айланади.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Мамлакатимизда болалар спорти кенг ривож топмоқда. Буни Бухоро вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Биргина Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан вилоятда 13 та болалар спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС

Шаҳар ва туманларнинг чекка ҳудудларида бадиий гимнастика марказлари, умумтаълим мактаблари учун замон талабларига мос спорт заллари, спорт майдончалари бунёд этилиб, зарур анжомлар билан таъминланди. Бу эса соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болалар, айниқса, қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоятда камол топаётган спортчи қизлар сафи кенгайиб, улар маҳорати ошмоқда. Шахмат, шашка, бадиий гимнастика, оғир атлетика ва бошқа турларда улар мамлакат, Осиё, халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашмоқда.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

2014 йил – Соғлом бола йили

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Ўздавкитобсавдотаъминоти» масъулияти чекланган жамияти ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида пойтахтимиз, Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида ташкил этилган тадбирлар халқимизнинг китобни муқаддас санаш, асраб-авайлаб, келгуси авлодларга мерос қолдириш билан боғлиқ эзгу фазилатлари бардавом эканлигидан далолатдир.

Китоб — мангу ҳамроҳ

Мамлакатимизда «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида бошланган анъанавий республика Китоб байрами маънавият ва маърифат байрамига айланди.

Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, айниқса, юксак маънавиятли ва интеллектуал салоҳиятли авлодни камолга етказиш, уларнинг қалбида юртга садоқат, миллий ва умуминсоний ғояларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини кучайтиришда китоб беқиёс восита бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Инсонни камолотга чорлайдиган эзгу таълимотлар билан ёвуз ғоялар ўртасидаги азалий кураш бугун ҳар қачонгидан-да кескинлашиб, ёшларнинг онгу қалбида чуқур акс-садо бермоқда. Давлатимиз раҳбари «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида таъкидлаганидек, инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.

Ушбу жараёнда ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини аждодлардан мерос умуминсоний ғояларга тўйинган, мағзи тўқ маълумотлар билан қондириш, уларни онг ва тафаккурни тарбияловчи адабиётга ошно этиш долзарб аҳамиятга эга. Мазкур маънавий-маърифий тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам ўғил-қизларнинг миллий адабиётимизга қизиқишини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилгандир.

Китоб байрамида мамлакатимизда фаолият юритаётган нашриёт ва матбаа корхоналарининг янги китоб маҳсулотлари, нуфузли халқаро китоб кўргазмаларида совринли ўринларни олган асарлар, Соғлом бола йилига бағишланган нашрлар жой олган.

Мамлакатимизда юздан зиёд нашриёт, турли ташкилот ва муассасалар ҳузурида элликка яқин ноширлик бўлими фаолият юритмоқда. Мустақилликка қадар юртимизда атиги 9 нашриёт бўлганини эътиборга олсак, истиқлол йилларида бу соҳа нечоғли жадал тараққий этаётгани, латларда ўтган халқаро китоб ярмаркаларида совринли ўринларга сазовор бўлди.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан «Йилнинг энг яхши китоби» республика кўрик-танловини ўтказиш яхши анъанага айланган. Нашриётлар ўртасида «Ижтимоий-сиёсий адабиёт», «Ватан тарихи», «Ўзбек мумтоз адабиёти», «Болалар ва ўсмирлар адабиёти», «Арт-китоб» номинациялари бўйича ўтказилаётган тадбирлар ноширлик иши ривожида муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 апрелдаги «2010-2015 йилларда болалар ва ўсмирларни маънавий камол топтиришга йўналтирилган ноширлик маҳсулотларини нашр этиш дастури тўғрисида»ги қарори соҳа ривожида муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Китоб савдосини ташкил этиш, янги адабиётларни аҳолига ўз вақтида етказиб бериш бу борадаги ишларнинг узвий қисмидир. Бу йўналишда «Ўздавкитобсавдотаъминоти», «Шарқ зиёкори» каби савдо ташкилотлари аҳолига кенг кўламда хизмат кўрсатаётир.

«Шарқ зиёкори» масъулияти чекланган жамиятининг пойтахтимиз ва барча вилоят марказларида ташкил этилган савдо мажмуаларида мамлакатимиз нашриётларида чоп этилган тўрт мингдан ортиқ номдаги адабиётлар савдога қўйилган. Савдо ҳажми ошиб бормоқда. Масалан, ўтган йили уч миллиард сўмликдан зиёд китоб сотилган. Аҳолининг китоб ўқишга бўлган эҳтиёжи тобора юксалиб бораётгани китоб дўконларини кўпайтиришни тақозо этмоқда.

Тадбирда ташкилотчилар томонидан оилавий китоб ўқиш анъаналарини тарғиб қилиш мақсадида боққа ташриф буюрганларга «Болаларда китоб ўқишга меҳр уйғотишда ота-оналарга маслаҳатлар» номли флайерлар тақдим этилди. «Китоб ўқишни ёқтирасизми?» мавзусидаги ижтимоий сўровнома ёшларнинг қизиқиш ва интилишини инобатга олган ҳолда реал ҳаётни акс эттирган, уларни мустақил фикрлаш, ҳаётий позицияларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, касбга йўналтириш, иқтидорини намоён этишга чорлайдиган асарларга эҳтиёж борлигини кўрсатди.

(Давоми 4-саҳифада).

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133

Июл — декабр ойлари учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Ishonch
2014-yil 24-may № 63 (3412)

Танлов ғолиблари

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Иштихон туман кенгаши томонидан ўтказилган кўрик-танловнинг «Энг фаол ёш фермер» номинацияси бўйича ғолиблик 26 ёшли фермер Содиқ Мамасолиевга насиб этди.

Замин саркори

...Тендер комиссиясини ҳам бундан етти йил илгари лол қолдирганди бу йигит. Танловга қўйилган 50 гектар ер майдонига даъвогарлар орасида мўйлови эндигина сабза урган «ёш бола» ҳаммани ажаблантирган эди. Деҳқончилик илмини сув қилиб ичиб юборганларнинг айримлари мийиғида кулиб қўйганди ҳам. Ваҳолангки, қора тупроқли, момақаймоқ бу замин аҳлининг кўпчилиги асл деҳқонлардан саналгани боис талабгорлар оз эмасди. Аризалар асосида имкониятлар, режаларни ўрганган комиссиянинг қарори кўпчиликка ғайритабиий туюлди. Иқтисодиёт коллежини тамомлаган ёш йигитга 50 гектарлик ер тақдири ишониб топширилди. Бир йил ўтмаёқ ташлаб қочса керак, деган фикрда эди кўпчилик...

Енг шимариб ишга киришган Содиққа осон бўлмади. У билан ёнма-ён турадиган, бирга заҳмат чекадиган фидойи аъзолар керак эди. Тажрибали механик ҳайдовчиларнинг аксарияти унинг таклифини рад этди. Бу борада ҳам таваккал қилинди. Коллежни механизация йўналишида тамомлаётган 17 ёшли Ўктам трактор рулига ўтирди. Хуллас, бийдек далада юмушлар бошланди. Вақт одил ҳакам. Илк йилдаёқ пахта ҳосилдорлиги 30 центнерни ташкил этди, ғалланинг гектаридан 36 центнердан хирмон кўтарилди.

Содиқ Мамасолиев етакчилик қилаётган «Аллома Сарвар» фермер хўжалиги айни чоғда Иштихон туманида иқтисоди бақувват фермер хўжаликлардан. Ўтган йили хўжалик аъзолари 30 гектар пахтадан 85 тонна, 20 гектар ғалладан 75 тонналик хирмон кўтаришди. Даромадга қўшимча ҳисобда қолган буғдойдан 8 нафар аъзонинг ҳар бирига 2 тоннадан тарқатилди. Яна бир жиҳат, далада ишлаётганлар учун етарли шарт-шароит яратиб берилган бўлиб, пайкал бошида мўъжазгина деҳқон уйи барпо этилиб, жиҳозлаб қўйилган. Бу ерда ишловчилар учун хўжалик томонидан ҳар куни бепул нонушта ва тушлик тайёрланаётир.

— Хўжалигимизда бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолият кўрсатмоқда, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Содиқ Мамасолиев. — Жамоа шартномаси асосида ходимларга қўшимча имтиёз ва кафолатлар яратиб бераяпмиз. Аъзоларнинг тўй ва маъракаларини ўтказишда зарур иқтисодий кўмак кўрсатишни зиммага олганмиз. Шароитга қараб ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бериб келаяпмиз.

Абдураҳмон Мавлонов ҳам шу хўжалик аъзоси. Эришилаётган муваффақиятларда озми-кўпми ҳиссаси бор. Фермер хўжалиги маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти унинг олий ўқув юртида таҳсил олаётган фарзандига контракт пулининг ўттиз фоизини тўлаб бераётир.

— Ёш бўлса-да раҳбаримизнинг иқтисодиётни яхши тушунгани молиявий ривожланишимизга имкон яратаётир, — дейди хўжалик аъзоси Абдураҳмон Мавлонов. — Ҳозир хўжалигимиз ихтиёридаги автотранспорт воситаларини кўпайтириш ҳаракатидамиз. Янги культиватор трактори, МТЗ-80 техникаси, юк ташиш автомобили сотиб олинди. Бу техникалар хўжалик юмушларидан ташқари қўшимча даромад келтирадиган юмушларни ҳам бажаришга жалб этилган. Шу боис ҳисобимиздан доим маблағ узилмайди. Маош ҳам шунга яраша.

Хотира ва қадрлаш куни арафасида қишлоқда яшаётган уруш ва меҳнат фахрийси Норбек бобо Тиловов хонадони чинакамига байрам тусини олди. Отахонни иззатлаб келувчилар кўп бўлди, албатта. Ёш фермер Содиқ Мамасолиев ҳам хайрли ва савобли ишдан четда қолмади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Иштихон туман кенгаши раиси Маҳмуд Мусурмоновнинг эътироф этишича, танловнинг «Энг фаол ёш фермер» номинацияси бўйича ғолибликка даъвогарлар оз бўлмаган. Ўн саккиз нафар ёш ишбилармон орасидан энг намуналиси эса биз ҳикоя қилган тадбиркор бўлиб чиқди. Фермернинг хўжалик таркибида қўшимча иш ўринлари яратиш тўғрисидаги бизнес лойиҳалари, режалари бисёр. Бошлаб қўйилган ишлар ҳам бор. Булар ҳақида сал кейинроқ тўхталишни лозим топдик.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири



Истеъдодлар кўриги

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Кўрик-танловнинг қуйи босқичлари корхона, ташкилотларга тегишли бўлган маданият муассасаларидаги бадиий жамоалар ўртасида касаба уюшма қўмиталари, ҳудудлардаги мавжуд маданият муассасаларидаги бадиий жамоалар ўртасида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашлари томонидан уюшқоқлик билан ташкил этилди. Уларда ёш санъат ихлосмандлари бир-биридан гўзал чиқишлари, жозибали ижролари билан истеъдодларини намойиш этдилар.

Энди эса ғолибликни қўлга киритган иқтидор эгалари танловнинг иккинчи босқичида фаол иштирок этишмоқда. Нукус шаҳридаги 12-болалар мусиқа ва бадиий-ҳунар мактабида ўтган кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида ижро этилган куй-қўшиқ ва рақслар бунинг яққол далилидир. Унда 270 нафар ёш санъатсевар қатнашди.

Қатор истеъдодлар кашф этилган кўрик-танлов натижаларига кўра, анъанавий ижрочилик йўналишида Камолотдин Бийсенбаев, эстрада қўшиқчилигида Нукус шаҳридан Расул Нурназаров, якка чолғуда Тахтакўпир туманидан Динара Маратова, ансамбл чолғу ижрочилигида Қораузак туманидан «Дуторчи қизлар» фолклор созанда ансамбли, якка рақсда тахтакўпирлик Мерихан Утеханова, жамоа рақсида Нукус шаҳридаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази тўгараги иштирокчилари биринчи бўлишди. Ғолиблар касаба уюшмаларининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Урганч шаҳридаги 24-мактабда ташкил этилган кўрик-танловнинг Хоразм вилоят босқичи ҳам қизғин руҳда ўтди. Унда санъатга ошуфта бўлган Хоразм ёшларининг дилтортар куй-қўшиқлари, жозибадор рақслари барчанинг кўнглидан жой эгаллади.

Туман ва шаҳар маданият уйларидаги болалар бадиий жамоалари иштирок этган олти йўналишдаги танловда анъанавий ижрочиликда Урганч шаҳридаги «Оразибон» жамоаси яккахони Жалол Тоганов, эстрада йўналишида қўшқўпирлик Шамсиддин Аҳмедов, якка чолғуда Хонқа туманидаги «Соғлом авлод» бадиий жамоаси қатнашчиси Дастагул Отабоева, ансамбл чолғу ижрочилигида Хива туманидаги «Навозанда» болалар бадиий жамоаси, якка рақсда ушбу жамоа қатнашчиси Сабоҳат Шерметова, жамоа рақсида Урганч шаҳридаги «Оразибон» бадиий жамоаси ғолиб деб топилди. Ғолиблар республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Эътиборхон РАҲМОНОВА,
ЎзКУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси

Навоий вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармасида ўтган «Истиқлол ғунчалари» танловида санъатсевар ёшлар бадиий ижодиётнинг олтита тури бўйича беллашдилар. Жонли ижрода намойиш этилган куй-қўшиқлар ҳакамлар ҳайъати томонидан холисона баҳолаб борилди.

Анъанавий ижрочиликда Нурота туман маданият муассасаси болалар бадиий жамоаси аъзоси Ситора Файзуллаева, эстрада қўшиқчилигида қизилтепалик Оғабек Исломов, якка чолғу йўналишида қизилтепалик Эркин Жамилов, ансамбл чолғу ижрочилигида Навбаҳор тумани болалар бадиий жамоаси, якка рақсда «Ширин» маданият саройи вакили Сабина Аҳматова биринчиликни қўлга киритган бўлса, жамоа рақсида мазкур маданият саройининг «Дўстлик», Кармана туман маданият муассасаси болалар бадиий жамоасининг «Ниҳол» рақс устаси қизлари тенг балли устунликка эришдилар.

Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Феруза МАРДИЕВА,
Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мутахассиси

Жиззах шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида вилоятнинг шаҳар ҳамда туманлари маданият ва спорт ишлари бўлимлари қошидаги болалар бадиий жамоалари ўртасида «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда тўққизта жамоа олтита йўналиш бўйича ўзаро беллашдилар.

— ЎзКУФК ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур тадбирнинг биринчи босқичида болалар бадиий жамоалари ва якка ижрочилардан 236 нафар 5-16 ёшли иқтидор эгаси фаол иштирок этди, — дейди вилоят КУТБ бўлим мудири Ш.Баҳриддинов.

Мазкур кўрик-танловнинг муҳим жиҳати шундаки, концерт дастурлари жонли ижрода бўлиб, фонограммадан фойдаланилмади.

Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир чиқишни баҳолаб бораркан, ижрочилик маҳорати, куй-қўшиқларнинг мазмуни, саҳнадаги ҳаракати, ҳатто кийимларигача эътиборни қаратди.

Ва ниҳоят, олтита йўналиш бўйича ғолиблар аниқланди. Анъанавий ижрочиликда пахтакорлик Жавоҳир Абдуваҳобов, эстрада қўшиқчилигида Жиззах туманидан Ҳожиакбар Тожибоев, якка чолғуда Жиззах шаҳридан Исломжон Абдусаломов, ансамбл чолғу ижрочилигида «Дуторчи қизлар» дастаси, якка рақсда ғаллароллик Лобар Ботирова ва жамоа рақсида рақҳоса қизлар гуруҳи биринчи ўринга муносиб деб топилди.

Жиззах туманидан Ҳаётбек Ўсаров «Энг ёш иштирокчи» номинацияси ғолиби дея эътироф этилди. Ғолибларга вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшма кўмаги билан

Ёшларни иш билан таъминлаш бугунги кундаги устувор вазифалардан. Зеро, меҳнат билан банд кишининг ўй-хаёли, интилиши ғайриинсоний мақсадлардан холи бўлади. У ўз атрофидаги муҳитнинг соғлом ва барқарорлигига ҳам бевосита ҳисса қўша олади.

ЁШЛАР ИШЛИ БЎЛМОҚДА

ЎзКУФКнинг 2014 йил 17 февралдаги «Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларда касаба уюшмаларининг иштирокини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Наманган вилоятида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳудудда бўш турган иншоотлардан унумли фойдаланган ҳолда маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш бу борадаги изланишлардан биридир. Вилоятдаги ҳар бир туманда касаба уюшмалари томонидан намунали маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этишга эришилгани нафақат жамоат ташкилотининг, балки сервисга эҳтиёж сезаётган аҳоли ҳамда иш қидираётган ёшларнинг ҳам ютуғи бўлди.

— Мақсадимиз ёшларни ишли қилишгина эмас, уларга бизнес қоидаларини ўргатиш, кейинчалик мустақил тадбиркорлик фаолияти юритишларига кўмаклашишдир, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси З.Маҳкамова. — Уларга керакли жиҳозлар касаба уюшмаси томонидан олиб берилаётир. Ортиқча югур-югурлардан халос этилаётганликнинг бош сабаби шунда. Мазкур шохобчалар айни вақтда «бизнес инкубатор» вазифасини ўташидан ҳам умидвормиз.

* * *

Шохобчалар фаолиятини йўлга қўйишда Норин тумани пешқадам бўлди. Тумандаги «Учтепа» МФЙ ҳудудида шундай маскан фаолият бошлади. Унда маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи Ҳасанбой Турсунов, Мадина Жумабоева, Мафтуна Бойдадаева, Абдулла Жўраев каби ёшлар иш билан таъминланди.

Учтепалик тадбиркор Зоҳиджон Дадамирзаевнинг маблағи ҳисобига бунёд этилган эркаклар сартарошхонаси ҳамда аёллар гўзаллик салони, тикувчилик ҳамда оёқ кийимларни таъмирлаш устахоналари тумандаги тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари томонидан керакли воситалар билан жиҳозланди.

Шохобчаларнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими ўринбосари Ҳ.Маткаримов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси З.Маҳкамова, туман ҳокими А.Султонов, касаба уюшма фаоллари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳамда маҳалла аҳли иштирок этди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Қувончу ҳаяжонга тўла мусобақалар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ушбу ноёб тизимнинг ўрта бўғини — «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг финал босқичига бу йил Наманган вилояти мезбонлик қилади. Айни пайтда мамлакатимиз ёшларининг катта спорт анжуманида қатнашадиган Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари шакллантирилиб, тайёргарлик якуний босқичга кирди.

«Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларининг финал босқичида спортчи-ёшлар ўн олти спорт тури — баскетбол, волейбол, футбол, гандбол, теннис, стол тенниси, енгил атлетика, сузиш, бадиий гимнастика, шахмат, дзюдо, эркин ва юнонрум кураши, таэквондо, бокс ва оғир атлетика бўйича ғолиблик учун курашади.

2001 йили илк бор Жиззахда ўтказилган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига кейинги йилларда Андижон, Чирчиқ, Нукус ва Термиз шаҳарлари мезбонлик қилди. Ушбу мусобақаларда қатнашган ёшларнинг иқтидори ва маҳорати мунтазам ошиб бораётгани кўплаб спортчиларимиз халқаро майдонларда эришаётган ютуқ ва марраларда яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, Жамшид Искандаров ва Игор Сергеев футбол бўйича мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси сафида Осиё ва жаҳон чемпионатларида муносиб тўп сурди. Бадиий гимнастикачи Комила Тўхтаева, Вероника Есипова, Равиля Фархуддинова, шахматчи Нодира Нодиржонова, Ҳулкар Тоҳиржонова, енгил атлетикачи Руслан Қурбонов, Зарнигор Ортиқова, сузиш бўйича Ўзбекистон рекордчиси Юлдуз Кўчқорова қитъа миқёсидаги мусобақаларда бир неча бор шоҳсупага кўтарилди. Полвонларимиздан белбоғли кураш бўйича уч карра жаҳон чемпиони Рустам Умаров, кураш бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпиони Шаҳбоз Саидмуродов каби спортчиларимиз эришаётган натижалар мухлису мутахассислар эътиборини қозонмоқда.

Илгари шароит ва имконият йўқлигидан юзага чиқмай сўнган қанча-қанча истеъдодли ёшларнинг армонлари бугун фарзандлари тимсолида рўёбга чиқмоқда. Бугун олис қишлоқлардан Осиё ва жаҳон чемпионлари, Олимпиада совриндорлари етишиб чиқаётгани ҳеч кимни ажаблантирмайди. 25 йил олдин биз ҳақимизда деярли ҳеч нарса билмаган, эшитмаган давлатлар вакиллари Ўзбекистон ёшларини кучли рақиб сифатида тан олмоқда.

Бугун кўпгина қизлар андижонлик сузувчи Раънохон Омоновага ҳавас қилади. Уч босқичли мусобақаларнинг барчасида — «Умид ниҳоллари — 2009», «Баркамол авлод — 2011» ва Универсиада — 2013 да ғолибликка эришган моҳир спортчи мамлакат чемпионатларида сузувчиларимиз орасида энг кўп — етти маротаба Ўзбекистон рекордини ўрнатди. 2012 йили Лондон Олимпиадасида қатнашиб, мутахассислар эътиборига тушди.

— «Кичик Олимпиада» номини олган ушбу спорт анжуманлари минглаб ёшларимизнинг спорт соҳасидаги орзуларини рўёбга ниқаришга хизмат қилмоқда, — дейди Раънохон Омонова. — Боиси, ўқувчи ва талабалар иштирок этаётган ушбу спорт ўйинлари Олимпия тамойиллари асосида ташкил этилади. Мусобақалар Олимпия ўйинлари сингари машъала ёқиш маросими билан бошланиши ва ёпилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор.

Ёш спортчиларимиз учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтаётган «Баркамол авлод» мусобақаларига Наманган вилоятида катта тайёргарлик кўрилди.

Мусобақанинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари «Навбаҳор» марказий стадионида бўлиб ўтади.

— Ёшлик ва спорт байрамининг очилиш ва ёпилиш тантаналарини тайёрлашга Ўзбекистон санъат арбоби, таниқли режиссёр Рустам Шамсиддинов раҳбарлик қилмоқда, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Озода Усмонова. — Спорт майдонларида ҳар куни икки маҳалдан тайёргарлик олиб борилмоқда. Бадиий манзара, оммавий рақслар, турли нақшларни чизиш устида ишланмоқда.

Мамлакатимизда бу каби тадбирлар катта шодиёналар билан нишонланиши анъана тусига кирган. Буларнинг барчаси юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик туфайлидир. Зеро, тинчлик ҳукмрон юртдагина инсон буюк ва эзгу орзуларни кўнглига тугиши, ўз иқтидори, қобилияти ва салоҳиятини тўла намойиш этиши мумкин. Юрти тинч, кўнгли хотиржам халққа тўй ва тантаналар, байрамлар ярашади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи — юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқароларо тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаб келаётганимиздадир. «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақалари ҳам ана шундай қувончли, ҳаяжонли тадбирлардандир.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Амалий ўқув-семинар

«Тошкент иссиқлик электр станцияси» унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси бултур «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида тармоқ касаба уюшмаси миқёсида 1-, ЎзКУФК томонидан ташкил этилган якуний босқичда эса рағбатлантирувчи ўринни эгаллаган. Ушбу бошланғич ташкилотнинг илғор тажрибасини оммалаштириш мақсадида Қибрай туманидаги мазкур корхонада амалий ўқув-семинари ўтказилди. Унда хўжалик раҳбарлари ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирок этишди.

Илғор тажриба барчаники

— Айни вақтда корхонамизда 1468 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда, — дейди «Тошкент иссиқлик электр станцияси» унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Мунира Қосимова. — Касабақўм таркибида 9 нафар аъзо ҳамда 5 та комиссия фаолият кўрсатмоқда. Қўмитамиз Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан белгиланган фаолиятга оид устувор йўналишларнинг бажарилишини таъминлаш, меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий шерикликнинг самарадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратаётир.

Дарҳақиқат, ўтган йили корхонада ишчи-хизматчиларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнатини муҳофазалаш, турли спорт тадбирлари ўтказиш ҳамда соғломлаштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди. «Обод турмуш йили» дастурини бажариш учун 124,819 минг сўм сарфланди.

Айниқса, меҳнат муҳофазаси бўйича амалга оширилган ишлар ибратлидир. Йил давомида корхона бўлинмаларида 38 нафар меҳнат муҳофазаси бўйича вакил иш олиб борди. Уларнинг барчаси махсус курсларда ўқитилган. Меҳнат муҳофазаси комиссияси томонидан бошланғич ташкилотнинг ташаббуси билан корхонага амалиёт ўташ учун келган ва ишга қабул қилинган Қибрай Энергетика коллежи ўқувчилари учун семинарлар, тренажерларда ўқув машқлари ўтказилмоқда.

Беш йилда камида бир марта меҳнат шароитларига баҳо беришнинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган услубияти асосида иш ўринлари шаҳодатдан ўтказиляпти. Ноқулай меҳнат шароитларида банд бўлган ходимларга гигиена ва шахсий ҳимоя воситалари, махсус кийим-бош, пойабзал ҳамда сут маҳсулотлари берилганлиги ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар натижаси.

Ўтган йили корхона ҳисобидан 913 нафар ходим тиббий кўрикдан, 1200 нафари эса флюрография текширувидан ўтказилди. Аниқланган касалликлар бўйича шифокорларнинг тавсиясига биноан ходимлар соғломлаштириш-тикланиш марказида ишдан ажралмаган ҳолда даволанишяпти. Зарур ҳолларда эса энерготизимга қарашли стационар ва республикамиздаги санаторийларга имтиёзли йўлланмалар ажратилаётир. Бундан ташқари, ходимнинг никоҳ тўйи, фарзанд туғилгани, фарзандининг никоҳ тўйлари, яқин қариндошларининг дафн маросимида ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.



Амалий семинарда Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси муовини Рустам Турдиалиев, ЎзКУФК молия бўлими мудири Жўрабек Ҳамзаев, бирлашма кенгаши бўлим мудирлари Улуғхўжа Ҳамзаев, Руслан Раҳмонов, Наргиза Асадова, Шаҳноза Орифхонова, Баҳром Маҳаматохунов ва бошқалар сўзга чиқиб, бошланғич ташкилотлар фаолиятини бундан-да яхшилаш борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Тадбир иштирокчилари Қибрай туманидаги бир неча бошланғич ташкилотлар иш тажрибаси билан ҳам танишдилар.

* * *

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг ғолиби — «Пахтасаноат илмий маркази» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг фаолият самарадорлигини ўрганишга бағишлаб Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ташкил этилган ўқув-семинарда иштирокчилар ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан кўп нарса олишди.

Тадбирни бирлашма кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Нуршод Ғиёсов кириш сўзи билан очиб, айни вақтда касаба уюшмалари ташкилотларида кечаётган ислоҳотлар ва «Пахтасаноат илмий маркази» ОАЖда олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталди. Шундан сўнг мазкур илмий марказ бош директор ўринбосари Бахтиёр Бойхонов ишчи-хизматчиларнинг яшаш ва иш шароитларини яхшилашда касаба уюшма ташкилоти билан йўлга қўйилган ижтимоий шериклик тамойили ниҳоятда қўл келаётганлигини мамнуният билан таъкидлади.

— «Ўзпахтасаноат» уюшмаси таркибига кирувчи «Пахтасаноат илмий маркази» ОАЖ пахта хом ашёсини дастлабки ишлаш бўйича соҳанинг бош ва ягона илмий муассасаси ҳисобланади, — деди илмий маскан касаба уюшма ташкилоти етакчиси Нажмиддин Камолов. — Илмий марказнинг фаолият бошлаганига яқинда 90 йил тўлади. Айни вақтда марказимиз базасида илмий кенгаш ва «Пахта» техник қўмитаси фаолият юритиб, соҳавий илмий-техник материалларни чоп этиш учун эса замонавий жиҳозланган полиграфик бўлинма ҳам ташкил этилган. Бошланғич касаба уюшма ташкилотимизда 108 нафар аъзо бор. Жамоа шартномамизга ходимларнинг таклиф ва тавсиялари асос қилиб олинган.

Аҳамиятли жиҳати, ушбу тадбирга Тошкент вилоятидан ҳам меҳмонлар ташриф буюришди.

Акбар Сидиқов, «Асака» банк ОАЖ Тошкент вилояти филиали касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Мазкур ташкилотнинг «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ғолиб бўлгани ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали эшитгандик. Бугун эса илғор иш тажрибаларини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Аминманки, ўзаро тажриба айирбошлаш, албатта, кутилган натижани беради.

Иштирокчиларга «Пахтасаноат илмий маркази» ОАЖнинг бўлимларини айланиб, аъзолар билан суҳбатлашиш имкони берилди. Тадбирда ЎзКУФК молия бўлими мудири Жўрабек Ҳамзаев, бирлашма кенгашининг бўлим мудирлари Вера Шулятникова, Саидмаҳмуд Аъзамов, Икром Еқубов, Равшан Маҳамадалиев, Дурдона Исломова, Дилшод Шарипов ва бошқалар сўзга чиқиб, йиғилганларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтаришди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз

Тўй халқ маънавияти кўзгуси бўлиб, унда миллат руҳияти, тафаккур тарзи, орзу-армонлари акс этади. Дунёда биз ўзбеклардай тўйсевар халқ бўлмаса керак. Оиламизда «янги меҳмон» — чақалоқ дунёга келган ҳамон тўй тараддудига тушамиз. Аввал бешик тўйи, сўнг соч тўйи, ёш тўйи, ўғил бўлса суннат тўйи, мучал тўйи... Хуллас, тўй қилиш орзу-ҳавасимиз фарзандларимиз мисол улғайиб, катталашиб бораверади.

Бировга тилак билдирсак ҳам «тўйга етказсин» деймиз. Дўстларимиз «бошинг тўйдан чиқмасин», деса астойдил хурсанд бўламиз. Йиллаб топганимизни бир кунлик тўйга сарфлаб қувонамиз. Фарзандимиз ўғил бўлса дарахт экамиз, уйлангунча иморатбоп бўлади. Ҳар йигитга бир бошпана қилиб бериш ўзбеклар учун фарз-да!

Борди-ю қиз туғилса, бешикка боғлашдан аввал сепини сандиққа соламиз. Қизалоқ улғайгунча сеп ҳам кўпайиб боради. Тўйга шошиб қолмаймиз.

Одатимиз шундай: тўйга бутун умр ҳам моддий, ҳам руҳий тайёргарлик кўрамиз. Бу одат бизга аждодлардан мерос. Аммо... Замон яхшиланган сайин антиқа маросимларни ўйлаб топаётганимиз қизиқ бўляпти-да. Меъёрни унутдик чоғи.

Маҳаллада яна дув-дув гап

Данғиллама тўй, қўша-қўша сарполар, юлдузли ресторан оила қураётган ёш келин-куёвга бахт ато этолмаслигини биламизу, барибир тўйбозликка мойил бўламиз.

Хайриятки, кўпчилигимиз бахт аввал кўнгил хотиржамлиги, қолаверса, соғлом оила, соғлом турмуш тарзига боғлиқлигини тушуниб етдик. Президентимизнинг тўй-маърака ва бошқа маросимларни ихчам, чиройли ўтказиш борасидаги фармони саъй-ҳаракатларимизга сабоқ ва дастуруламал вазифасини ўтади. 2003 йилда бу масалага яна бир бор эътибор қаратилди. Нуфузли ташкилотлар ҳамкорлигида тўй ва бошқа маърака, маросимларни ўтказиш ҳақида тавсиялар ишлаб чиқилди. 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434-сонли фармони асосида маҳаллада иш бошлаган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳам тўй ва маъракаларнинг ихчам, чиройли ўтиши учун кенг жалб этилди.

БИРНИКИ МИНГГА...

Амалий ишлар самараси ўлароқ ўтган даврда тўй, маъракa, маросимлар ихчамлашди. Каттагина маблағ сарфланаётган фотиҳа маросими қисқариб, ҳозир унашиш ёки оқ ўрар тарзида ихчам даврада ўтказилаяпти. Шунингдек, катта дабдабага сабаб бўладиган «Чарлар» урфдан чиқиб бораяпти. Ҳайит маросими ҳам жуда катта исрофгарчилик билан ўтарди. Ҳозир хотин-қизлар қўмиталарининг тарғибот-ташвиқоти билан ихчамлашди. Ҳайитларда келин-куёв саёҳатга юборилаётир.

Кимдир қазо қилса, оиланинг иқтисодий аҳволига қарамай етти, йигирма, қирқ, йил оши каби маросимлар ўтказиларди. Ҳозир бу маросимлар оила даврасида яқинлар иштирокида ўтадиган, айрим маҳаллаларда эса азадан сўнг бир марта эҳсон ўтказиладиган бўлди. Бундай ихчамликлар маъракa, маросимларга ўзгача моҳият бахш этмоқда. Аммо ўйлаб топилган айрим анъаналар бу борадаги хайрли ишларга соя ташлаётгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Айниқса, чақалоқ дунёга келган кундан исрофгарчилик, ортиқча одатлар ўйлаб топилаётгани кўплаб оилаларни ичдан емираётгани ҳам рост. Севинчига куёвнинг волидасига 100 доллар топиб беролмагани учун қизи қувғин бўлган онанинг сўзларини тинглаб, нима дейишингни ҳам билмайсан, киши.

Янги дунёга келган гўдак гулдек нозик бўлишини, кўзи ёриган аёлга хотиржамлик ва эътибор кераклигини билганимиз ҳолда, гўдакни туғруқхонадан олиб чиқишда ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилмоқда. Энг ёмони, туғруқхоналарнинг тўйхонага айлантирилаётганидир. Карнай-сурнайчилар ташрифини қандай тушунса бўлади. Ахир бу муборак даргоҳ шовқин-сурондан холи бўлиши керак эмасми?

Банди-бандидан бўшаб, ҳар лаҳзада хасталашиш хатари бўлган келинчакни сартарошхонага олиб бориб, сочини турмаклатиш, чевар чақириб, янги кийим кийдириш... Чақалоқни минг кўйга солиб видеотасвирга олдириш... Бу дахмазалар гўдак учун ҳам, ёш она саломатлиги учун ҳам жуда зарарли-ку.

Мулоҳаза қилиб кўрайлик, доно аждодларимиз нега чилла сақлашни буюришган? Нега янги туққан келинчак ва чақалоқни бегона кўздан асрашган?

Шунча гапдан кейин ҳам фарзанд туғилиши муносабати билан ақиқа маросими тўйхоналарда — хотинларга, эркакларга алоҳида ўтказилаётганини қандай тушунса бўлади?!

«Олтин», «Кумуш» тўйларини нишонлаяпмиз. Тўғри, қўша қариш ҳам бахт-да! Аммо дабдабабозлик қилиш шартми? Бунинг ўрнига фарзандлар ота-оналарини узоқ юртларга саёҳатларга олиб борса ёки ўзларини юборса, қандай чиройли бўларди. Узоқ ўлкалар тугул, ўзимизнинг Бухоро, Самарқанд, Хиваларни кўрмаган кексаларимиз йўқ дейсизми?

ОТА-ОНА ОРЗУСИ

Сарлавҳани ёзибоқ Қодирий бобомизнинг қаламига мансуб муҳаббат можароси — «Ўткан кунлар» романи қаҳрамони Отабекнинг аччиқ қисмати ёдга келди. Офтобойимнинг «келин қилиш орзуси», доно Юсуфбек хожининг бу хонадондан лафз-сизлик чиқмаслиги учун қилган андишаси, бой хонадонга келин бўлган Зайнабнинг жавобсиз севгиси, Отабек ва Кумушбибининг ота-она орзуси деб қурбон бўлган муҳаббати... Буни кимдир ўтган аср фожиаси дея беписандлик қилса, янглишади. Ота-она орзуси деб, оиласи бузилиб, болалари етим қолаётган оилалар ҳозир озми?! Ва ёки келин сарполари-ю мебелини кўриб, тўйни қайтарган, икки ёш қалбида бир умрлик армон уруғини сепган ота-оналар йўқми орамизда?

...Дилноза жуда гўзал қиз эди. Сутга чайиб олгандек оппоқ юзида ойнинг малоҳати, қуёш шуъласини яширган, кўксига соя солган киприклари ҳар очилиб-ёпилганда йигитлар юрагига найза санчарди. Ҳаёланиб қарашлари, уялиб кўзларини яширишларида таъ-рифсиз малоҳат яширин эди. Хуллас, Кумушбибида неки хислат бўлса, унда ҳам уларнинг бари мужассам эди. Ҳатто у Кумушбибидан айро ҳолда хорижий тилда ҳам бийрон сўзларди. Юзлаб йигитлар қалбига ўт ёққан бу гўзал қиз кўнгли фақат бир йигит ишқида ёнарди. Йигит ҳам уни кўрганда ўзини йўқотиб қўяр, тили калимага келмай қоларди.

Аслида улар ҳам бир нигоҳ ташлаб, севишган эди. Курсдош бўлишса-да, деярли сўзлашмас, фақат бир-бирини кўриб турмоқ уларга саодат эди.

Йигитнинг отаси мансабдор эди, хотинининг мансаби бўлмаса-да, Офтобойим мисол казо-казо аёллар тўпланадиган давраларда баланд ўрни бор эди. Ўғли севиб қолган қизнинг ҳусни маъқул келса ҳам, оиланинг ўртаҳоллиги унга сира ёқмади. Охири ўғли ёқтирганни эмас, ўзи истаган қизни олиб бериб, уни «сеҳргар анди» балосидан холос қилди. Ўзича шундай деб ўйлади. Аслида ўғил номига куёв бўлди. Қўш сарполар, бой хотин, ҳатто энг сўнгги модадаги машина — бари-барига онасининг оқ сути ҳаққи, отасининг оқ қилмаслиги учун тишини-тишига қўйиб яшади. Аммо ҳаётда фақат Дилнозани излади, уни кўрган куни юзига табассум келди, юраги таскин топди.

(Давоми 4-саҳифада).

Матбуот анжумани

«Ўзбекистон почтаси»да

ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар

Ўзбекистон Алоқа тарихи музейида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖни янада ривожлантириш, унга ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)ни кенг жорий этиш режалари» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда почта алоқасини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Берилган маълумотларга кўра, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖда 2014-2015 йилларда ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар бўйича устувор лойиҳаларни бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этишнинг тармоқ режасига асосан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 500 та компютер техникаси сотиб олиниб, маълумот узатиш каналлари мавжуд бўлган 471 та почта алоқа бўлимига ўрнатилди.

Жамиятнинг корпоратив компютер тармоғи орқали «Электрон пул ўтказмалари», «Тўловларни қабул қилиш тизими», «Пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати тизими» ва бошқа автоматлаштирилган тизимларга почта алоқа объектлари боғланиб, ҳозирги кунда самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

«Ўзбекэнерго» ДАКнинг биллинг ҳамда «On-line» тизимида маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилиб, қўшимча 321 та, жами 1480 та почта алоқа объектининг иш ўринлари тизимга боғланди. 1694 та алоқа бўлими эса почта алоқа тармоқларида маълумотларни тизимга киритиб, «Ўзбекэнерго» ДАК билан электрон маълумот алмашинувини таъминлади. Ушбу тизимга 1159 та почта алоқа объекти уланди.

Жамиятнинг www.pochta.uz сайти орқали рўйхатга олинувчи почта жўнатмалари тўғрисидаги маълумотларни кузатиш тизими йўлга қўйилган. Унга 418 та почта алоқа объекти уланган бўлиб, ҳозирги кунда вилоят марказида жойлашган почта алоқа бўлимларини боғлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, «On-line» сўмлик пластик карталардан фойдаланган ҳолда «Ягона интерактив давлат хизматлари портали»га интеграциялаш билан «Интернет обуна» учун «On-line» тўловини жорий этиш ҳамда веб-сайт дастурини қайта ишлаб чиқиш бўйича ишлар амалга оширилаётир.

Анжуманда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тизимга жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам маълумотлар берилди. Хусусан, банк пластик карточкалари орқали пул тўловларини қабул қилиш мақсадида банклар билан биргаликда 1450 та терминал ўрнатилди ва аҳолига хизмат кўрсатиб келинмоқда.

«Pochta aloqasi» АТни яратиш ва жорий этишда «UZINFOCOM» ДУК билан ишлар олиб борилиб, ҳозирги кунда ушбу тизимнинг биринчи босқичи амалиётга жорий этилди. Шунингдек, узатиш канали тезлигини ошириш мақсадида «Ўзбектелеком» АКнинг ТШТТ филиали билан ҳамкорликда ётқизилган оптик толали кабел орқали 10 Мбит/сек тезликка етказилди. Жамият филиаллари ва «БРМ» оператори орасидаги маълумотлар узатиш каналини 2 Мбит/сек тезликкача кўтариш ишлари олиб борилмоқда.

Почта жўнатмаларини етказишда вилоят ички йўналишида қатнайдиган 65 та автотранспорт воситасини GPS тизимига боғлаш учун керакли ускуналар ва тизим дастурини сотиб олиш бўйича ташкилий ишлар амалга оширилиб, электрон биржа савдоларига эълон жойлаштирилди.

Анжуманда журналистларнинг саволларига мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Брифинг

Сайловолди тадбир

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентининг 62-моддасига мувофиқ, депутатлар жорий йилнинг 26 майидан 31 майига қадар ўз округларидаги сайловчилар билан учрашадилар. Палатанинг ахборот хизмати томонидан мазкур учрашувлар олдидан оммавий ахборот воситалари учун брифинг ташкил этилди.

Йиғилишда депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида кўриладиган масалалар, депутатлик гуруҳларининг округлардаги фаолиятини ОАВда ёритиш бўйича ҳар бир фракция вакили томонидан амалга ошириладиган тадбирлар ҳақида ахборот берилди. Таъкидланишича, мулоқотлар жараёнида сайловчилар парламент фаолияти, қонун ижодкорлиги ва қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, муҳокама этилаётган янги қонун лойиҳалари хусусидаги маълумотлар билан таништирилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти юзасидан ахборот берилади. Шунингдек, 2014 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг жойлардаги ижроси билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинади. Қабул қилинган қонунларнинг ижроси, мавжуд муаммоларни ҳал этишда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги юзасидан депутатлар ўз сайлов округларидаги вазиятни ўрганадилар.

Тадбирда интернет тармоғи орқали сайловчилар билан учрашувнинг «On-line» хизмати йўлга қўйилганлиги, хусусан, Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида «Сайловчилар билан учрашув», «On-line қабулхона» каби интерактив мулоқот усулларининг ишлаб тургани эътироф этилди. Айни кунда Ахборот хизмати билан фракциялар ҳамкорлигида сайловчилар билан учрашувларни ОАВда ёритиш бўйича медиа-режа ишлаб чиқилмоқда.

Дилсўз ЮНУСОВА,
ЎзМУ талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ БУХОРО ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

2014 йил 24 июн куни соат 11:00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Бухоро вилоят Хўжалик суди ҳисобидаги 2000 йилда ишлаб чиқарилган «Тико» русумли, д/р 80/079 QAA бошланғич баҳоси 11 650 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилган. Аукцион савдолари Бухоро шаҳри, Қарши дарвозаси кўчаси, 1-уйда жойлашган савдо ташкилотчиси «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ Бухоро вилоят филиалининг савдолар залида ўтказилади.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан жойига чиқиб танишиш мумкин. Мазкур мулк сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йил 1, 8, 15 июл кунлари мунтазам равишда ўтказилади. Аризалар мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00 га қадар қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишувни» имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини Савдо ташкилотчисининг ХОАТБ «*INFIN*bank» Бухоро вилоят бўлими, МФО: 01107, СТИР: 302477464, 20208000105015685009 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда. Савдода қатнашиш учун қизиқиш билдирган талабгорлардан қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Савдо натижалари бўйича ғолиб деб эътироф этилган иштирокчи мулк сотилиш нархининг 2 (икки) фоиз миқдорида комиссион тўловини амалга ошириши лозим.

Батафсил маълумот учун телефон: (8594) 542-19-91. e-mail: buxoro@auksion.uz **Гувоҳнома № 005148.**

АУКЦИОН САВДОЛАРИ ХАБАРНОМАСИ!

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali» Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй манзилида бўлиб ўтадиган қуйидаги аукцион савдоларига таклиф этади.

I. 2014 йил 24 июн куни соат 11:00 да Бухоро вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган савдоларга бошқарма ҳисобидаги бошланғич баҳоси 650 000 сўм бўлган 1993 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 20 АЕ 034, ГАЗ-31029 русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

II. 2014 йил 24 июн куни соат 12:00 да Когон тумани Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган савдоларга бўлим ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида қўйилмоқда: 1-ЛОТ Бошланғич баҳоси 1 800 000 сўм бўлган 2000 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 20 АЕ 175, ТИКО русумли автотранспорт воситаси, 2-ЛОТ Бошланғич баҳоси 4 792 169 сўм бўлган 2002 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 20 АЕ 701, МАТИЗ русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

III. 2014 йил 24 июн куни соат 14:00 да Бухоро вилоят «Давлат мулкини ижарага бериш маркази» ДУК билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган савдоларга марказ ҳисобидаги бошланғич баҳоси 4 575 338 сўм бўлган 2005 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 80/532 FAA, МАТИЗ русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Закалат пули миқдори бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдорида белгиланган.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қавати) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санаси кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali» СТИР 302523082, МФО 00115 ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами: 20208000805028108002.

Буюртманоманларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali».

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қават). Тел: 8 (365) 221-59-24. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263. **Хизматлар лицензияланган.**

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

«3-сон трамвай троллейбус депоси» давлат унитар корхонаси тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Ммирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 3-«А» уй манзилидаги 49370 кв.метр ер майдонида жойлашган, давлат мулки бўлган 4881 кв.метрга тенг бўлган бино ва иншоотлардан иборат мулкий мажмуа.

Бошланғич нархи — 5 591 708 972 сўм.

Балансда сақловчи: «3-сон трамвай троллейбус депоси» давлат унитар корхонаси.

Фаолият ихтисоси: Йўловчи ташиш.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел/факс (8-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 23 июн куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 7, 21 июл ва 4 август кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечиқмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; - жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; - аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Харидорга Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг 2014 йил 18 майдаги 2140-сонли маълумотига кўра, хусусийлаштирилиши белгиланган юқоридаги манзилда келтирилган объект фуқаро муҳофаза паногоҳи мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 291-26-сонли Қарори билан тасдиқланган «Фуқаро мухофазаси иншоотлари ва мол-мулклари захирасини яратиш, улардан фойдаланиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 18-банди 2-иловасига мувофиқ, ўрнатилган тартибда намунавий шартнома расмийлаштирилиши ҳамда фуқаро муҳофазаси объекти ва мол-мулкларидан мақсадли фойдаланиш бўйича шартномада белгиланган мажбуриятларга амал қилиши вазифаси юклатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 228-84-48. Факс: (8-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жарёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 24-may № 63 (3412)

Маҳаллада яна ДУВ-ДУВ ГАП

(Давоми. Бошланиши 3-саҳифада).

Дилноза ҳам бой-бадавлат хонадоннинг эрка ўғлига узатилди. Данғиллама ҳовлига у фаришта мисол кириб келди. Уни ҳамма — қайнота-қайнона, элу хеш, қўни-қўшни яхши кўрди. Фақат кўнгли бошқада бўлган куёвтўрадан илиқлик топмади. У ўйда жуда кам бўлар, баъзан кечалари ҳам ишхонасида қолиб кетарди. Иши нозик... Қайнонанинг бу ўгити келинга далда эди. Аммо иккинчи фарзанди туғилгандан сўнг эри янада узоқлашди. Бир куни болаларининг пулини олиш учун ишхонасига борди. Қайтаётганда дугонаси кафега таклиф этди. Кутилмаганда шу ерда эрига дуч келиб қолди. Эри бир кўҳликкина аёл билан сухбатлашиб, овқатланарди. Дилноза сира ёмон хаёлга бормади: «Ишхонасидаги бирортаси билан тушликка чиққан», деб ўйлади. Шу хаёлда у томон йўналди. Шу аснода беш ёшлардаги ширингина болакай:

— Ада, адажон музқаймоқ олиб беринг, — деб эрининг бўйнига осилди.

Дилноза қотиб қолди. Эри нима деди, у нима деди, эсида йўқ, охири ҳалиги жувон орага тушди:

— Биздан нима хоҳлайсан? Ўзинг-ку бахтимизга соя солган. Ўғлимга қара, қизингдан қанча катта. Сен-ку бахтимизни хазон қилган.

Дилноза йиғлади. Кейин эшитди, эрининг «қилмиши»ни ҳамма биларкан. Фақат ундан яширишаркан. У бечора қизни ота-онаси йўқ, деб ўғлига олиб беришмаган экан. Дилноза шундан бери ўйлайди: уйидан кетиб қолган эрининг қайтишини кутади. Ориятли эмасми, оилам бузилмасин, дейди. Ўйиннинг эса охири кўринмайди. Болаларини тирик етим қилишга кўзи қиймайди. Зайнабдек аччиқ тақдирга кўнай, деса... Хуллас, бу аччиқ қисматга ким айбдор? Албатта, яна ота-она орзу-ҳаваси!

САДОҚАТДАН СЕПИ БЎЛСИН!

4 ўғил, 5 қизни уйли-жойли қилиб, пиру бадавлат яшаётган 85 ёшли Зайнаб биби куйиниб сўзлайди:

— Онам раҳматли никоҳ тўйимда 2 та кўйлак, бир кўрпа, икки кўрпача, тўртта ёстиқ, куёвга ҳам оддийгина сарпо қилган эдилар. Куёв томоннинг сарпоси ҳам шундай эди. Ўтган даврда инсон сарпо-суриқ учун яшамаслигини, бу дунё бахт учун яралганлигини билдим, ҳис қилдим.

9 фарзандни элга қўшдик, ўқитдик, тўйлар қилдик. Аммо бир-биримизга меҳримиз заррача бўлса ҳам сўнмади, оқибатимиз йўқолмади. Негаки, биз бир умр меъёрга риоя қилдик, бир-биримизни аяб яшадик. Бизнинг давримизда ҳам «қалин» деган бало бор эди. Ота-онам қудаларини аяб «қалин» олишмаган. Ана шунинг андишаси бизнинг бахтимизга тамал тошини қўйган эди. Тўғри, бугун қалин йўғу, одамлар ўзича турли қоидаларни ўйлаб чиқаришган. Булар йилдан-йилга ошиб-тошиб бораётганини кўриб, ҳайрон қоламан. Олдин қизларга отаси битта сандиқ берарди, ҳозир мебелга қўшиб гилам, ҳатто пардагача қилишаяпти.

— Тўйда одамнинг ғашига тегадиган бир жиҳатни айтмасак бўлмайди, — сўзида давом этади Зайнаб биби. — Назаримда, тўй маданияти ҳақида яна бир марта ўйлаб кўришимиз керак. Тўйни олиб борувчи ўртакаш, куёв-келиннинг янгаси-ю куёв жўраларга, амма, холалар, ҳатто ота-оналарга ҳам кетма-кет сўз беришади ва албатта улардан ўйинга тушиб бериш талаб этилади. Ўйнаётганларга барча яқинлар, меҳмонлар пул қистириши керак. Яна микрофоннинг қулоқни қоматга келтирадиган овози, ичкилик, ўйинга тушаётган сархуш давра...

— Тўйга келган қизиқчиларнинг бачканалиги ҳам кайфиятингга салбий таъсир кўрсатади, — дея суҳбатга қўшилади Зайнаб бибининг турмуш ўртоғи Бафо бобо. — Келинларнинг тўй либослари ҳам бачканалашиб бормоқда. Либосдан ҳаё кўтарилгани яхшиликка олиб бормайди. Бир кунлик келин кўйлак учун миллионлаб сўм сарфлашяпти. Қовун қовундан ранг олгандек, бу камхарж оилалар учун ҳам орзу ва одатга айланиб бораётганидир.

Нуроний отахон ва онахон айтганларидек, ҳар қандай дабдабанинг ортида кибр бор. Ҳар қандай андишада эса оқибат зоҳир. Сепи бўлса-ю уқуви бўлмаса, ҳусни, чиройи кўзни олса-ю ўзбекона лутфни билмаса, сепи сандиққа сиғмаса-ю соғлиги бўлмаса-чи?!

ХУЛОСА ЎРНИДА

Карнай-сурнай наволари янграб тўйга чорлов бошланганда, кўнглим яйраб кетади ва беихтиёр ўйланиб қоламан: ишқилиб келин сарполари беками кўстмикан?! Куёв томоннинг орзу-ҳаваси деб толиқиб, қўли юпқалик қилиб қолмадимикан?

Бир гал шу ҳақдаги фикримни дугонамга айтгандим, «Сенга нима, ота-она бўлгандан кейин қилади-да» деди. Лекин унинг фикрига қўшила олмадим. Нима учун ота-оналар ўзларини бунчалар қийнаб, қарзга ботиб бўлса ҳам, фарзандлари учун елибюгуриши керак? Аслида, янги оила қургач, келин-куёвларнинг ўзлари пешона тери билан буюм йиғса, қадрлироқ бўлмайдими?

Умуман, бу каби масалаларни маҳалла фаоллари, тегишли ташкилот мутасаддилари яна бир карра ўйлаб кўришса яхши бўларди. Тўй ва маросимлар ўз моҳиятидан узоқлашиб кетмаслиги, энг муҳими, маънавий, моддий жиҳатдан оилага зарар келтирувчи бўлмаслиги шарт.

Шундай эмасми, азиз муштарий? Сиз-чи, тўй қилиш тараддудида юрган азизлар, ортиқча чиқимлар, ўйлаб топилган удуму қоидалар чарчатиб қўймадими?! Мактубларингизни кутамиз.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Оммавийликдан маҳорат сари

Касаба уюшмалари ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида кўплаб тизимли тадбирларни амалга ошираётир. «Касабатур» веломарафони ҳам шулар жумласидан. Куни кеча зўр уюшқоқлик билан ўтказилган республика босқичида сирдарёлик 12 нафар ҳаваскор велоспортчи иштирок этди.

Эътибор самараси

Аёллар ўртасида ташкил этилган пойгада Нигора Муҳаммадиева белгиланган масофани учинчи бўлиб босиб ўтди. Қаҳрамонимиз Янгиер шаҳридаги 10-умумтаълим мактабида меҳнат қилади.

— Ҳуқуқ ва манфаатларимиз ҳимояси касаба уюшмалари томонидан кафолатланганини ҳар куни ҳис қилиб яшаяпмиз. Шунингдек, спорт билан доимий равишда шуғулланишимиз учун шароитлар яратилган. Касаба уюшмалари иқтидор ва қизиқишларимиз ифодачиси бўлмоқда, — деди Нигора Муҳаммадиева.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Хайрулла Аминов саъй-ҳаракатларни шундай изоҳлади:

— Жорий йил веломарафонда иштирок этувчилар сони бир неча баробар кўпайди. Бу велоспортнинг тобора оммавийлашиб бораётганидан даракдир.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Саломатлик — фаровон ҳаёт таянчи. Унга эришишнинг эса йўллари кўп. Шулардан бири спорт билан мунтазам шуғулланиш. Руҳи тетик, танаси соғлом кишигина хотиржамлик нелигини яхши англайди, олам ва одамларни авайлаш ҳақида бош қотира олади. Касаба уюшмалари тизимида доимий равишда спартакиадалар ўтказилиши ҳам айни шу омиллар билан боғлиқ, албатта.

Саломатлик учун

Ўтган ҳафтада Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Норин туман кенгаши томонидан жорий йилги дастур доирасида саломатлик спартакиадаси ўтказилди. Унда 310 нафар иштирокчи спортнинг мини футбол (эркаклар), баскетбол (эркаклар), волейбол (аёллар), шахмат, стол тенниси турлари бўйича баҳсга киришди. Шунингдек, «Ота-онам ва мен — спортчилар оиласи» беллашувлари уюштирилди.

— Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ходимларни спортга жалб этиш борасида қатор ишларни амалга ошираётирмиз, — дея таъкидлайди тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Гулбаҳор Маматқулова. — Бугунги спорт мусобақасида 10 та ҳудуддан чиққан бештадан ғолиб жамоалар қатнашмоқда. Тадбиримиздан кўзланган мақсад ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда соғлом оилада баркамол авлодни шакллантиришга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Қизғин баҳслар остида кечган спорт байрами тайёргарлик даражасини белгилаб берди. Мини футбол бўйича ғолиблик 11-БЎСМ жамоасига, баскетболда 1-умумтаълим мактаби жамоасига, волейболда эса 11-умумтаълим мактаби ходимларига насиб этди. Ақл гимнастикаси устида бош қотирганлар орасидан 34-умумтаълим мактаби ўқитувчилари ака-сингил Хайрулло ва Ирода Кўзиевларни мағлуб этишга ҳеч ким эриша олмади. Стол тенниси борасидаги баҳслар ҳам ҳаяжонли тус олиб, 3-умумтаълим мактаби шарафини ҳимоя қилган Ҳусанбой Сайфиддинов ҳамда Севара Жўрабаева шоҳсупанинг юқори поғонасини забт этишди.

Оилавий баҳслар натижаларига кўра, етакчилик қилган Жалоловларга юзланамиз. Бугунги омадни улар спортсевар эканликлари билан изоҳлашди.

— Ўзим ҳам, рафиқам Турсунойхон ҳам 24-умумтаълим мактабида ишлаймиз, — дейди Шавкат Жалолов. — Ишхонада ҳам, уйда ҳам имкон қадар спорт билан шуғулланиб турамиз. 10 ёшини қаршилаётган ўғлимиз Мадиёрбек ҳам жисмоний машқларни канда қилмайди. Ғолибликдан кўра иштирок муҳим бўлган ушбу тадбирдан сўнг спорт билан янада жиддий шуғулланиш ҳақида режа тузяпмиз.

— Кураш қизиқарли ва бироз ҳаяжонли бўлди, — дейди Турсуной Аҳмедова. — Чунки оилавий рақибларнинг барчаси кучли тайёргарлик кўришган экан. Бу албатта, мусобақага бўлган қизиқиш ва эътибордан. Турмуш ўртоғим ҳамда ўғлим билан бир ёқадан бош чиқариб, устунликка эришдик. Бундан жуда хурсандмиз. Энг муҳими, ғолиблик эмас, жисмоний имкониятларимизни яна бир бор ишончли синовдан ўтказганимиз бўлди.

Мусобақа ғолиблари тармоқ касаба уюшмаси туман кенгашининг қимматбаҳо совғалари ҳамда дипломлари билан тақдирланди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Қибрай туманининг сўлим гўшасида жойлашган «Бўстон» санаторийсида «Халқаро оила куни»га бағишланган оилавий спартакиада ўтказилди.

Сўлим гўшада

Турли спорт турлари қамраб олинган мусобақада биринчи ўрин Рустам Машариповлар оиласига насиб этди. Дилшод Иноғомов ва Асад Исроиловлар оиласи совриндорлар сафидан ўрин эгаллади.

— Биз бундай мусобақаларни фақат байрамларда эмас, балки йил давомида ўтказишни режалаштирганмиз. Тадбирларимиз сиҳатгоҳда даволанувчиларнинг спортга бўлган қизиқишларини оширишга ёрдам бераётир, — деди сиҳатгоҳ касаба уюшма қўмитаси раиси Лола Мақсудова.

Баҳодир ЭГАМОВ

Хонқа туманидаги «Ғайрат» болалар оромгоҳининг спорт мажмуасида Хоразм вилояти электр тармоқлари корхоналари ходимлари ўртасида спартакиада уюштирилди. Барчага байрамона кайфият улашган мазкур тадбирда соҳа ходимлари спортнинг мини футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат ва шашка турлари бўйича маҳоратларини намойиш этишди.

«Ғайрат»да ғайрат кўрсатиб

Мини футбол мусобақасида Урганч шаҳар электр тармоқлари корхонаси жамоаси ғолиб чиқди. Иккинчи ўринни вилоят энергия сотиш бўлими футболчилари эгаллаган бўлса, учинчи ўринни Хонқа тумани жамоаси банд этди. Волейбол турнирида эса Шовот тумани жамоасининг қўли баланд келди. Кейинги ўринлар Хонқа ва Урганч тумани вакилларига насиб этди.

Стол тенниси беллашувида ишлаб чиқариш техника хизмати муҳандиси Юрий Эм ва Гурлан тумани жамоаси аъзоси Сабина Ўрозбоева, шахмат баҳсида автотранспорт хизмати электриги Сапарбой Муллаев ва янгибозорлик Фазилат Қозоқова, шашка биринчилигида «Реле» ҳимоя хизмати бошлиғи Рустам Маткаримов ва ишлаб чиқариш техника хизмати муҳандиси Ноила Тангрибергановалар ғолиб бўлишди.

Ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

Наримон РЎЗМЕТОВ,
Хоразм вилояти электр тармоқлари корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Якуний босқич

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида «Камалак жилоси» республика болалар расмлари кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Халқ таълими вазирлиги ва «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловда юртимизнинг турли ҳудудларидаги «Меҳрибонлик» уйларининг 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган тарбияланувчилари иштирок этишди.

Ранглларга кўчган меҳр

Тадбирнинг очилиш маросимида сўз олганлар мамлакатимизда мунтазам ўтказилаётган ёш ижодкорлар кўргазмалари, фестиваллар, ижодий танловлар ўғил-қизларнинг тасвирий санъатга қизиқишини янада ошириш, қобилият ва салоҳиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Айтиш жоизки, 1997 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур танлов ёш авлод маънавияти ва бадиий-эстетик дидини юксалтириш, болалар онг-у шуурида тинчлик-осойишталикни қадрлаш, ватанпарварлик ғояларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йилги кўрик-танловда Республикамиздаги «Меҳрибонлик» уйларининг 1500 нафар тарбияланувчиси қатнашди. Ғолиб деб топилган 100 дан ортиқ акварел расмлар, 80 дан зиёд амалий санъат асарлари якуний босқичга тақдим этилди. Ҳайъат аъзолари томонидан икки йўналиш бўйича ҳам 4 ёшдан 10 ёшгача, 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган иштирокчилар орасида 3 нафардан, жами 12 нафар ғолиб ҳамда 10 та номинация совриндори аниқланди.

Пойтахтимиздаги 23-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиси Олга Алексеева, Жиззах вилоятидаги 29-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиси Беҳруз Жумабоев, Сирдарё вилояти Болалар шаҳарчасидан Юрий Савин, Навоий вилояти «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиси Бобошер Мавлоновнинг ижодий ишлари турли йўналишлар бўйича биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

— Танловда «Буюк ипак йўли», «Меҳрибон она Бемби» номланган расмларим билан иштирок этдим, — дейди Навоий вилоятидаги «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиси Бобошер Мавлонов. — 3-4 ёшимдан бошлаб, расм чизишга қизиқаман. Айни пайтда, устозим Дилбар Бозорова раҳбарлигидаги «Моҳир қўллар сомонли сурат» тўгарагида мўйқалам сирларини эгаллашга ҳаракат қиляпман. 2007 йилдан буён турли танлов ва кўргазмаларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритдим. Келгусида маҳоратимни янада ошириб, машҳур рассомлар сафидан жой олишни ният қилганман. Бундай танлов, кўргазмалар биз ёшларга янги дўстлар орттириб, янгича ғоялар беришга кўмаклашади.

— Ушбу танловда ўтган йили ҳам иштирок этиб, совриндор бўлгандим, — дейди Самарқанд вилояти 10-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиси Ҳусайн Каримов. — Бу йил «Менинг орзуим — менинг иноқ оилам» номли асарим билан қатнашдим ва 2-ўринга лойиқ топилдим. Бундан жуда хурсандман. Фурсатдан фойдаланиб, барча ташкилотчилар ва устозларимга бизга бераётган эътибори учун раҳмат, дейман.

— Танловга амалий санъат йўналиши бўйича «Отлар парвози» деб номланган асарим билан қатнашдим, — дейди Бухоро вилояти 32-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиси Парвиноз Арипова. — Унда отларни оддий мато ва чигит ёрдамида тасвирлаб, бўёқлардан фойдаланганман. Бу ишимни қунт билан вақт сарфланса, 3-4 соатда тайёрласа бўлади. Ҳакамлар асаримни рағбатлантирувчи совринга муносиб топишди. Келгусида тинимсиз изланиб, юқори ўринларни эгаллайман, деган умиддаман.

Кўрик-танловда болаларнинг акварел расмлари ва амалий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилиб, тезкор расм чизиш танлови ўтказилди.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда совғалар топширилди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири

«КАМАЛАК»НИНГ «ЛОЧИН»ДАГИ ЖИЛОСИ

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида жойлашган «Лочин» соғломлаштириш оромгоҳида «Камалак» болалар ташкилотининг анъанавий XIII анжумани бошланди.

«Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!» шиори остида ўтказилаётган мазкур тадбирда «Камалак» болалар ташкилоти томонидан қўлга киритилган ютуқ ва натижалар, ёшлар ўртасида ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий тарғибот ишларини самарали ва таъсирчан ташкил этиш ҳақида сўз юритилди.

— Анжуманда республикамизнинг турли ҳудудларидан келган 600 нафар ёш иштирок этмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти «Камалак» болалар ташкилоти раиси Нилуфар Назарова. — Тадбир уларга нафақат тенгдошлари билан дўстлашиш, ҳамкорлик қилиш, балки мароқли ҳордиқ чиқариш имконини ҳам яратади. Бунинг учун оромгоҳда барча шароит ва қулайликлар яратилган.

Бир ҳафта давом этадиган ёшлар анжуманида кун номлари белгиланиб, шу йўналишлар бўйича семинар-тренинглар ташкил этилади. «Маънавият ва маърифат куни», «Иқтидорли ёшлар куни», «Меҳр ва саховат куни», «Спорт, саломатлик ва экология куни», «Матбуот куни» шулар жумласидандир.

Анжуман доирасида турли тақдимотлар, танловлар, спорт ўйинлари, таниқли шоир ва ёзувчилар, спортчи ва журналистлар билан учрашувлар ўтказилади.

Ў.БАРОТОВ,
ЎзА мухбири

Китоб — мангу ҳамроҳ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Таълим ва тарбияни ўзида мужассам этган китобхонлик инсонларнинг билимини юксалтиришга, маънавий камолотига хизмат қилади, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид. — Президентимиз Ислом Каримов «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида ўз тарихига, тўпланган тажрибага, дунёда энг катта бойлик саналган интеллектуал салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асосси эканини алоҳида таъкидлади. Демак, китобхонлик анъаналарини янада ривожлантириш, айниқса, ёшлар ўртасида мутолаа маданиятини юксалтириш ўта муҳим вазифа.

Экспозицияга қўйилган «Аловуддин ва унинг чироғи», «Ҳунук ўрдакча», «Оппоғой ва етти миттивой» каби рангли суратлар билан безалган китоблар эътиборни тортади. Ушбу китоблар «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти томонидан «Инглиз тилини ўрганамиз» рукни остида умумтаълим мактабларининг биринчи ва иккинчи синфлари учун қўшимча адабиёт тарзида чоп этилган.

— Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан келиб чиқиб, ўтган йили болалар учун бир туркум адабиётлар нашр этдик, — дейди «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти директори ўринбосари Ҳулкар Алимуҳамедова. — Бу китоблар жаҳонга машҳур эртаклардир. Уларнинг ҳар бир саҳифасида инглиз, ўзбек, рус тилларида эртакнинг қисқартирилган шакли баён этилган ва сюжетга монанд ишланган ажойиб расмлар берилган.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ижодий учрашувлари, «Китобдан яхши дўст бўлмас», «Одамийлик китобга бўлган эҳтиромдан бошланади», «Китоб — энг яхши совға» каби мавзулардаги интеллектуал викториналарда каттаю кичик фаол иштирок этди.

Байрамда китоб графикаси ва миниатюра жанрида ижод қилаётган ёш рассомларнинг ижодий кўргазмалари уюштирилиб, «Намунавий китоб дўкони» республика кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди.

Боғ саҳнасида таниқли санъаткорлар, ёш ижрочиларнинг чиқишлари намойиш этилди, ижодкорлар ўртасида мушоиралар ўтказилди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev
(Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: N.Umarova

Bosishga topshirish vaqti -20.20
Topshirildi - 20.40

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 518 | 20737 nusxada bosildi | 1 2 3 5